



Куч-АДОЛАТДА

2012 йил,
19 октябрь,
жума
№ 41 (398)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ва бутун дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиётнинг узвий қисми ҳисобланган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар салмоқли натижалар бераётир. Дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бир пайтда мамлакатимиз япни ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари йилига ўртача 8,2 фоизни ташкил этаётгани ҳам миллий иқтисодий тизимнинг барқарорлиги ҳамда улкан салоҳиятга эга эканидан ёрқин далолат беради.

Мамлакатимиз иқтисодий тизимнинг рақобатбардошлиги пахта ва тўқимачилик комплекси самарадорлигини ошириш, пахта толасидан юқори қўшимча қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда экспорт таркибидан унинг улушини кўпайтириш ҳисобидан йилдан-йилга ортиб бормоқда. Булар пойтахтимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида алоҳида эътироф этилди.



ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ДОВРУҒИ

бутун дунёга таралмоқда

Маълумки, Ўзбекистон дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради. Мамлакатимиз жаҳон тўқимачилик бозорининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ушбу соҳада мамлакатимиз билан савдо, ишлаб чиқариш ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш ортиб бораётгани яна бир бор намоён этди. Мамлакатимизда жаҳоннинг энг юксак талабларига жавоб берадиган пахта толасини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш

бўйича ташкил этилган замонавий комплекс ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Соҳада чуқур таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши, барча бўғинларнинг тизимли равишда модернизация қилиниши, техник ва технологик қайта жиҳозланаётгани, тегишли инфраструктуранинг жадал ривожланаётгани, шунингдек, замонавий бозор механизмларининг кенг жорий этилаётгани сабабли ушбу комплекс фаолиятини самарадорлиги юксалмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ис-

лохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борадаги жараёни янада кучайтириш учун янги, янада кенг имкониятлар очиб бераётир. Ушбу дастурий ҳужжатга мувофиқ иқтисодий эркинлаштиришни жадаллаштиришга қаратилган қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда, иқтисодий тизим, шу жумладан, пахта толасини етиштириш ҳамда тўқимачилик каби муҳим тармоқлар рақобатбардошлигини янада оширишга доир аниқ мақсадли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Энг юқори стандартларга мос

Ўзбек пахта толасига жаҳон бозоридан талаб ортиб бораётир. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг ўзбекистонлик шерккари билан амалий муносабатларни кенгайтиришдан манфаатдор иштирокчилари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолатдир. Мисол учун 2005 йилда ўтган дастлабки ярмаркага дунёнинг 30 мамлакатидан 170 га яқин трейдерлик ва тўқимачилик компаниялари вакиллари ташриф буюрган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 660 нафардан ошди. (Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Ҳаво кодекси

унинг такомиллаштирилгани миллий авиациямиз тараққиётига хизмат қилади

Мамлакатимизнинг тараққиёт йўлига назар ташлайдиган бўлсак, улук мақсадлар йўлида улкан ислохотлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Ўзбекистон фуқаро авиацияси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритганда, унинг йигирма йиллик тараққиёти давомида улкан ва шарафли йўлни босиб ўтганини алоҳида татқиқлаш жоиз.

Хусусан, фуқаро авиациясини ривожлантириш бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда юртимизнинг кўплаб хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлиги янада кенгайди. Шунингдек, авиация хавфсизлиги ва парвозларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида энг илғор технологияларнинг қўлланилиши, қолаверса, малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган юксак натижалар нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда. Маълумки, Президентимизнинг 1992 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Миллий авиациясини ташкил қилиш

тўғрисида»ги Фармони билан юртимизда ушбу йўналиш бўйича ишончли, хавфсиз, замонавий ва юқори даражада сервис хизматлари кўрсатувчи мустақам тизимга асос солинган эди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиациясининг қарашли авиашув парklarининг босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида «Ил-62», «Ил-86», «Ту-154», «Як-40», «Ан-24» каби эски русумдаги самолётлар ўрнини дунё авиасаноатида етакчи ҳисобланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар жиҳатдан қўлай ҳаво лайнерлари эгаллай бошлади.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Суд буйруғи институти

амалда самарали қўлланилмоқда

Мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, суд тизими инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмига айланди.

Бугунги кунда фуқароларнинг судга ишончи ортиши баробарида, мурожаатлари сони ҳам ортиб бормоқда. Бу борада уларга зарур қўлайликлар яратиш, жумладан, давво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқишга оид дастлабки жараёнларни янада соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқаролик қонунчилигига киритилган суд буйруғи институтининг янада соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқаролик-процессуал кодексининг 238-моддасига кўра, суд буйруғи бу, ундирувчининг

пул маблағларини ундириш судга ишончи ортиши баробарида, мурожаатлари сони ҳам ортиб бормоқда. Бу борада уларга зарур қўлайликлар яратиш, жумладан, давво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқишга оид дастлабки жараёнларни янада соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқаролик-процессуал кодексининг 238-моддасига кўра, суд буйруғи бу, ундирувчининг пул маблағларини ундириш судга ишончи ортиши баробарида, мурожаатлари сони ҳам ортиб бормоқда. Бу борада уларга зарур қўлайликлар яратиш, жумладан, давво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқишга оид дастлабки жараёнларни янада соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқаролик-процессуал кодексининг 238-моддасига кўра, суд буйруғи бу, ундирувчининг

(Давоми иккинчи бетда)

Munosabat

Суд-ҳуқуқ ислохотлари янада такомиллаштирилмоқда

Мамлакатимизда изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинаётган янги қонунлар шу йўналишдаги ишларни янги мазмун билан бойитмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида мазкур Концепциянинг «Суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш» йўналиши бўйича «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2012 йилнинг март ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг муҳокамасига киритилди. Мазкур қонун жорий йил 12 июль кунин Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қабул қилинди. Олий Мажлис Сенатининг шу йил 30 августда бўлиб ўтган ялғи мажлисида ушбу қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Президентимиз томонидан 18 сентябрда им-

золаган мазкур қонун 20 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди. Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 255-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, жиноят содир этган айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давво этиради, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, айбланувчи ва судланувчилар лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилинади. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси қарор чиқарган судни, албатта, хабардор этган ҳолда терговчи, прокурор, суд томонидан беркор қилинади. (Давоми учинчи бетда)

Маълумки, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида жиноий жазоларнинг либераллаштирилаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилингани бу жараённинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Bag'rikenglik tamoyillari

Адолат ва қонунийлик одил судлов мезони

Мазкур қонунга биноан, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилди, хусусий мулк дахлсизлиги кафолати сифатида мол-мулк мусодараси жаза тизимидан чиқарилди, етказилган моддий зарар ихтиё-


рий тарзда қопланган тақдирда, озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайдиган бўлди, дастлабки тергов ва эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаб туриш муддатлари қисқартрилди. (Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko'magi

Шартнома интизоми

унга қатъий риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида шартномалар — барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 1-моддасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги билан бир қаторда шартнома эркинлиги ҳам фуқаролик ҳуқуқининг асоси сифатида қайд этилган. Шунингдек, мазкур кодекснинг 354-моддасида шартнома эркинлигининг моҳияти ва маъноси батафсил баён этилган. (Давоми иккинчи бетда)



(Давоми иккинчи бетда)

Huquq va majburiyat

Қонуний нотариал ҳаракатлар

ҳуқуқлар тўлиқ таъминланишида муҳим ўрин тутади

Юртимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофазалашнинг самарали механизми яратилган. Адалия идоралари фаолияти ҳам шунга йўналтирилган бўлиб, хусусан, нотариуслар қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан аҳоли манфаатини ҳимоя қилади. (Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Суд буйруғи институти амалда самарали қўлланилмоқда

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилади.

Суд буйруғини чиқариш ҳақидаги аризага алимент ундириши талаб қилаётган фарзанднинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, фарзанди ўзининг тарбиясида эканлиги ҳақидаги маълумотнома, қарздорнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома каби ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Айтиш керакки, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судлари томонидан ҳам суд буйруғи институти самарали қўлланилмоқда. Хусусан, 2011 йилда 23 минг 631 та суд буйруғи чиқарилиб бўлса, жорий йилнинг ўтган 9 ойида бу кўрсаткич 11 минг 126 тани ташкил этди. Жумладан, вилоят адлия бошқармаси фуқаро Н.Ғаниевнинг манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилган аризасида «2-сон қурилиш монтаж бошқармаси» оғиқ акциядорлик жамияти томонидан унга белги-ланган нафақа пули берилмаётганини билдирган. Корхонадан олинган маълумотномага кўра, жамиятнинг Н.Ғаниев олдида 2,1 миллион сўмдан ортиқ миқдорда қарздорлиги мавжуд бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманларо суди асосли далилларга таяниб, қарзни ундириш ҳақида суд буйруғи чиқарди.

М.Умирова эса, судга мурожаат қилган аризасида қарздор О.Ахатов билан 2002 йил 30 августда оила қурганиги, бир-галликдаги турмушларидан 1 нафар фарзанди борлиги, бироқ отаси фарзандини моддий жиҳатдан таъминлашдан бўйин товлаётганлигини баён этиб, фарзанди вояга етганига қадар алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманларо судининг буйруғига кўра, қарздор О.Ахатовдан ундирувчи М. Умированын фондасига 2003 йил 1 октябрда туғилган бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун иш ҳақи ва бошқа даромадининг 1/4 қисми миқдорда алимент ундирилади бўлди.

Олий суд Пленумининг «Буйруқ тартибда иш юритишнинг тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2006 йил 3 февралдаги қарори судлар учун буйруқ тартибда иш юритишни тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарорнинг 9-бандига кўра, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинган бўлса, унга қарздорнинг фамилияси, исми-шарифи, аниқ яшаш манзили, қарз миқдори кўрсатилган, қарздор ва коммунал хизмат идорасининг ваколатли ходими томонидан имзоланиб, коммунал идоранинг муҳри билан тасдиқланган маълумотнома илова қилиниши шарт. Қарздорликни ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқариш ҳақидаги талаб, албатта, коммунал хиз-

мат идораси раҳбари томонидан имзоланиши лозим.

Хисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинганда, иш ҳақидан қарздорлик миқдори аниқ кўрсатилган ва иш берувчи томонидан тасдиқланган маълумот илова қилиниши шарт.

Мажбурий ва солиқ тўловларидан қарзларни ундириш ҳақидаги суд буйруғини чиқариш аризасида фуқаро қайси қонунга асосан тўловларни ундиришга жалб қилинганлиги, тўловнинг миқдори ва унинг тўлаш муддатлари, қарзнинг миқдори кўрсатилиши ва аризага топширилган муддати кўрсатилган тўлов хабарномасининг нусхаси илова қилиниши лозим.

Иш ҳақини ундириш тўғрисидаги аризада хисобланган иш ҳақи ва унинг тўланмаганлиги ҳақидаги иш берувчи маъмуриятнинг маълумотномаси иловаси тақдим қилинади. Суд буйруғини чиқариш ҳақидаги ариза ундирувчи томонидан имзоланади.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддаси 2-қисмига кўра, «Қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёр) вакил бўла оладилар:

- 1) адвокатлар;
- 2) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари;
- 3) юридик шахсларнинг ходимлари - шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича;
- 4) нотариот ташкилотларнинг ваколатли вакиллари — шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;
- 5) қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотариот ташкилотларнинг ваколатли вакиллари;
- 6) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;
- 7) ишни кўраётган суд томонидан ишда жиҳсоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар.

Судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шугулланиши мумкин».

Оқорида зикр этилган Пленум қарорининг 4-бандига кўра, фуқаро соғлиғи, ёши ёки бошқа сабабларга кўра, судда ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган, прокурор фуқаро манфаати юзасидан суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилади. Бундай ҳолда, суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризага, арз қилинган талабни тасдиқловчи ҳужжатлардан ташқари, фуқаронинг судга мурожаат қила олмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатимиз олиб бораётган устувор вазифалардан ҳисобланиб, суд буйруғи институти ҳам бу борадаги ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

Олимжон МЕЛИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди раиси

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Бу йил саккизинчи мартаба ўтказилган ярмаркада эса, 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган компанияларнинг минг нафардан ортиқ вакили иштирок этди. Шуниси эътиборлики, нафақат толамизга талаб юқори бўлган Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг тўқимачилик компаниялари, балки ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини сотиш бўйича муваффақиятли бизнес юри-таётган Европа, Латин Америкаси ҳамда бошқа минтақалар савдо фирмаларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдорлиги ортиб бораётгани натижасида пахта ҳамда ундан тайёрланаётган товарларини мизни етказиб бериш юғрофияси ҳам тобора кенгаймоқда.

— Бундай йирик халқаро тадбирда иштирок этиш мен учун катта шараф, — дейди «Cotton Outlook» халқаро ахборот агентлигининг бошқарувчи директори Р.Батлер. — Агентлигимиз дунёнинг турли давлатларида етиштирилган пахта толаси сифатини мунтазам мониторинг қилиб боради, талаб ва тақлиф тенденцияларини ўрганади. Ўзбекистон талаб етказиб берувчи олти етакчи давлатдан биридир. Ўзбек пахтаси барча халқаро стандартларга жавоб бериши ва кенг истеъмолчилар талабларини қондираётгани туфайли мамлакатингиз хажон бозорига ўз ўрнини барқарор сақлаб турибди.

— Ҳиндистонда Ўзбекистон пахта бозорига катта қизиқиш билан қаралади, — дейди Ҳиндистон Тўқимачилик вазирлиги департаменти директори Прерна Суд хоним. — Ҳар гал ушбу ярмаркага келганимизда, мамлакатингизда пахтачилик жадал ривожланиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганининг гувоҳи бўлимади. Тошкентда ташкил этилган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мамлакатингизнинг хажон пахта бозорига етакчи ўринлардан бирида туриши яна бир бор тасдиқлади.

— Ташкилотимиз Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш билан шугулланади, — дейди JETRO — Япония ташқи савдо ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Т.Суэкиро. — Японияда Ўзбекистонга иқтисодий ёрдам ривожланаётган мамлакат сифатида алоҳида эътибор билан қаралади. Мамлакатингизда тўқимачилик санаятини изчил тараққий эттиришга улкан эътибор қаратишмоқда. Зеро, бу соҳа иқтисодий ривожланишнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланади. Бу борада

Jamiyatimiz maqsadi

Ўзбек пахтасининг довруғи бутун дунёга таралмоқда



«Ўзбекенгилсаноят» давлат-акциядорлик компанияси томонидан изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда толаси пишиқ, юксак сифатли, барча зарур стандартларга жавоб берадиган пахта этиштирилади. Бу кўплаб давлатларни мамлакатингиз билан пахта бизнеси йўналишида фаол ҳамкорлик қилишига, Ўзбекистон пахта бозорини муттасил ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш энг илгор агротехнологияларни қўллаш, хусусиятлари яхшилланган янги навларни яратиш ва пахта тозалаш санаятига инновация ишланмаларини жорий қилишга асосланган. Мисол учун истиқлол йилларида Ўзбекистонлик селекционерлар пахтанинг 162 нави яратди, уларнинг эртапишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги, толасининг тозалиги ва узунлиги, зарар-

кунчаларга чидамлилиги ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудлари иқлим шароитига мослиги билан ажралиб турадиган 45 таси давлат реестрига киритилган ва етиштириш учун тавсия этилган. Бугунги кунда далаларимизда етиштирилган ҳосилнинг 83 фоизини «олий» ва «яхши» навли пахта толаси ташкил этади. Ўзбек пахтаси хажон бозорига талаб этилаётган ва асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган микронейф даражасига тўлиқ жавоб беради.

Албатта, Ўзбекистонда бундай сифатли пахтани етиштиришда, биринчи навбатда, меҳнатсевар деҳқон ва фермерларимизнинг хизмати каттадир. Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва янада кенгайтириш учун барча шароитлар яратилди. Пахта тозалаш санаяти ҳам жадаллик би-

лан модернизация қилинмоқда, ишлаб чиқаришга энг замонавий технологиялар жорий этилмоқда.

Бугун мамлакатимизда 2,2 мингдан ортиқ энгил саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 280 дан ортиғи «Ўзбекенгилсаноят» давлат акциядорлик компанияси тарқибига кирди. Шу билан бирга, қўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. 2015 йилга мўлжалланган энгил саноатини ривожлантириш дастурига мувофиқ соҳага энг замонавий технологиялар жорий этилмоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳар йили йигирмадан ортиқ турга кўпаймоқда. Бугун Ўзбекистонда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг қирқдан зиёд давлатга экспорт қилинмоқда.

Ярмаркада Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг кенг турдаги маҳсулотлари — ип, полотно, газламалар, тайёр трикотаж, шунингдек, ипак буюмлари намойиш этилди. Бундан ташқари «Ўзбекенгилсаноят» давлат акциядорлик компанияси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Шарқ либослари» дизайн маркази либослар намойишини ташкил этди. Дизайнерларимиз томонидан ҳажон мода санаяти тенденциялари ва миллий аъналаримиз, минтақамизнинг иссиқ иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда, ўзимизнинг табиий матолардан тайёрланган ранг-баранг либослар моделлари хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уюғотди.

Бу йилги ярмарканинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик санаятини ривожлантиришга доир янги лойиҳалар тақдим этилди. Хулоса қилиб айтганда, ярмарка юқори савияда ташкил этилди. Унда иштирок этган хорижий ишбилармон доиралар вакиллари мамлакатимиз тўқимачилик санаятини қармоқ қиритишдан манфаатдор эканини билдирдилар. Уларнинг ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиғи нафақат пахтаимиз ва ундан тайёрланган товарлар юқори сифатга эгалиги, балки мамлакатимизда уларни харид ва транспортровка қилиш, қафолатли етказиб бериш учун қулай шарт яратилгани туфайлидир.

МУАТТАРХОН РЎЗИБОВЕВА

Qonun ko'magi

Шартнома интизоми

унга қатъий риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади



(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Маълумки, ҳўжалик шартномаларининг субъектлари, яъни юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жиҳсоний шахсларнинг муносабатлари натижаси кўп жиҳатдан айнан шартноманинг қандай тузилгани ёки расмийлаштирилганига боғлиқ.

Табиийки, ҳар бир шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбу-

риятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотнинг нархи, муддати, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқа ҳолатлар назарда тутилади.

Юртимизда шартнома тузишда томонлар Фуқаролик кодекси, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

Бундан ташқари мамлакатимиз-

да кишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда шартнома маданиятини янада юксалтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низомга 2011 йил 30 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг 193-сонли қарори билан тегишли ўзгартiriш ва қўшимчалар киртилди.

Юқорида қайд этилган қонунларда қайд этилган шартномаларида ҳисоб-китоб қилиш тартиби аниқ белгилаб берилган. Жумладан, маҳсулотни ташши ва тушириш бўйича барча ҳаражатлар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари зиммасида бўлса, ҳўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасидаги олдидан ҳақ тўлаш ва якуний ҳисоб-китоблар шартномада ва қонун ҳужжатларида белги-ланган тартиб, шакл ва муддатларда амалга оширилади.

Айтиш керакки, Адлия вазирлиги амалда қўлланиладиган ҳўжалик шартномаларининг намунавий лойиҳаларини манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда тайёрлаб, амалиётда қўллаш учун етказиб бермоқда. Ҳўжалик шартномаларини қонун талабига мувофиқ тузишда ҳам шартнома тарафларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, адлия идоралари томонидан ҳўжалик шартномалари тузишда тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилиб, белги-ланган ҳисоб-китоб тартибига риоя қилмаган тарафларга нисбатан қатъий чоралар қўрилади.

Масалан, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан шартномавий муносабатлар юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари бўйича, 2012 йил 29 февралда Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Абдуллаев Дўстмурод Султонович» фермер ҳўжалиги манфаатини кўзлаб, жавобгар «Зиёвуддин толаси» ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан етказиб берилган пахта хом ашёсини учун 90 фоизлик, яъни 477 миллион 411 минг сўм қарзни

ундириш тўғрисида вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Вилоят ҳўжалик судининг 2012 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, «Кишлоқҳўжалик-кимё» акциядорлик жамиятининг Хоразм вилояти Гурлан тумани филиали билан фермер ҳўжалиги ўртасида 2011 йил 21 февралда тузилган шартномага мувофиқ, фермер ҳўжалигига 2011 йил давомида 17 миллион 726 минг сўмлик 14 минг 988 кул минерал ўғитлар етказиб бериш мажбуриятини олган. Аммо жавобгар шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятини тўлиқ бажармаган. Яъни фермер ҳўжалигига шартномада белги-ланган миқдорга нисбатан 4 миллион 568 минг сўмлик минерал ўғитлар етказиб берилмаган. Шу сабабли «Кишлоқҳўжалик-кимё» акциядорлик жамияти Гурлан тумани филиалидан фермер ҳўжалиги фойдасига етказиб берилмаган 4 миллион 568 минг сўмлик минерал ўғит қиймати ва кеңиктирилган ҳар бир кун учун 2 миллион 293 минг 400 сўм пеня ундириш юзасидан 2012 йил 31 мартда вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризаси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Хулоса қилиб айтганда, шартномавий муносабатларни қонуний асосда қуриш ҳамда унга амал қилиш иқтисодий юксалишга олиб келиши билан бир қаторда, кўнгилга хотиржамлик, ишқ борака бахш этади. Бу эса, юксалтиш ва фаровонлик, эртанги порлоқ келажак демакдир.

О.БЕКМУРАДОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими


Bag'rikenglik tamoyillari

Адолат ва

пластик қарточкасига ўтказиш ва кейинчалик бу маблағни ўз манфаати йўлида ишлатиб юборади.

Судланувчи А.Насриддинов дастлабки тергов жараёнида жамоа аъзоларининг иш ҳақидан ўзлаштирилган маблағни, яъни етказилган 2 миллион 250 минг сўм зарарни тўлиқ қоплади. Шу боис суд А.Насриддиновни Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари, 209-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топиб, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Шунингдек, суд унга нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб қорхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Кўриб турганимиздек, қонунларимизнинг адолат тамойилла-



Давоми. Бошланиши биринчи бетда

Мамлакатимиздаги барча аэропортлар модернизация қилинди, жаҳон андозаларига мос учиш ва қўниш майдони, йўловчилар перрони, аэродром каби объектлар ҳамда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзидан мужассамлаштирган аэропортлар барпо этилди.

Авиакониямиз таркибида Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган сўнгги авлод авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш Маркази фаолият юрטי бошлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу Марказ хизматидан 320 та қоронғий авиакония ўз самолётларида аэронавигация хизмати кўрсатишда кенг фойдаланмоқда.

Хозирги кунга келиб, замонавий ҳаво кемалари билан таъминланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконияси дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга оширмоқда, шунингдек, йилига қарийб 75 минг транзит йўналишининг ҳаво ҳаракатларини бошқармоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 31 декабрдаги «Навий шаҳри аэропорти негизда халқаро логистика интермодал марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосан, Навий шаҳри аэропорти негизда халқаро интермодал логистика маркази ташкил этилди.

«Навий» халқаро аэропорти Марказий Осиё юрагида жойлашган янги логистика маркази бўлиб, у Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиё мамлакатларининг марказида ҳамда Франкфурт, Милан, Дубай, Хиндистон, Шанхай ва Инчэндаги дунёнинг йирик авиация тармоқларидан 6 соатлик парвоздан кам бўлмаган масофада жойлашган.

Хозирда у Европа ва Осиёни боғлаб турувчи янада рақобатбардор ҳудудий логистика марказига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ҳафтасида 30 дан ортиқ юк рейслари дунёнинг 14 та — Сеул, Милан, Шанхай, Москва, Дубай, Алматы,

Мумбай, Дели, Бангкок, Франкфурт, Брюссел, Вена, Дакка, Истамбул каби йирик шаҳарларига амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, мустақил-лигимизнинг дастлабки йилларидан, яъни 1993 йил 7 майда Ҳаво кодекси қабул қилинди ҳамда у фуқаро авиацияси соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда дастуриламал

меъёрларини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон ишторкичи ҳисобланган халқаро шартномалар меъёрларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш заруратини кўрсатмоқда.

Шу боис қонун ижодкорлари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

кўрсатиш ташкилотининг сертификати асосида амалга оширилади. Ҳаво кемаларида техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификати бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Шунингдек, 92-моддада йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига риоя этиши, ҳаво

жой банд қилиб қўйиш; ҳаво транспортида ташиш шартномасини ташувчининг ёки йўловчининг ташаббуси билан бекор қилиш; юқининг ёки қўл юқининг олинмаслиги ва кечикиб олиниши; ташишнинг ахборот-реклама таъминоти; ҳаво транспортда ташишни таъминловчи барча хизматларга доир талаблар; ташувчининг маъсулиятини тартибга солишнинг умумий принциплари; ташувчининг юқининг бўлиги учун жавобгарлиги масалаларини тартибга солишнинг нормалари такомиллаштирилди.

Айниқса, Ҳаво кодексининг амалдаги учта моддаси (61, 99, 102-моддалари) аэронавигация ва аэропорт йиғимлари, чартер шартномаси ҳамда йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар ва бериладиган имтиёзларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи янги қисмлар билан тўлдирилганлигини қонун ижодкорлигининг муҳим ютуғи десак, муболага бўлмайд.

Маънаси қилиб айтганда, мазкур янги қонуннинг қабул қилинганлиги муносабати билан мамлакатимизнинг фуқаро авиацияси соҳасини тартибга солишда амалдаги қонун ҳужжатлари халқаро шартномалар нормалари асосида янада такомиллаштирилди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаро авиацияси хавфсизлиги ва парвозларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш, жаҳон андозаларига мос равишда авиация техникаларига сифатли хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз халқ ҳўжалиги ва фуқаролар эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолияти ҳамда самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Эркин ҲАЙИТОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

Yangi qonun mohiyati



бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз авиация соҳасидаги бир қатор халқаро шартномаларга, хусусан, Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь), Халқаро ҳаво йўлларида транзит тўғрисидаги Битим (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь), Ҳаво кемаларига ҳуқуқларнинг халқаро тан олиншини тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1948 йил 19 июнь), Ҳаво орқали халқаро ташишга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Конвенция (Варшава, 1929 йил 12 октябрь) ва унга қўшимча протоколларига қўшилган бўлиб, ушбу халқаро шартномалар талабларига қатъий амал қилиб келмоқда.

Айни пайтда фуқаро авиацияси таракқиётининг замонавий тенденциялари мазкур соҳани тартибга солишда амалдаги қонун ҳужжатлари

тўғрисида»ги қонун тайёрланди ва ушбу қонун Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 30 августдаги ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда жорий йилнинг 28 сентябрда расман матбуотда эълон қилинди.

Мазкур янги қонун билан Ҳаво кодексининг 23 та моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, кодекс 2 та янги модда, яъни ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш масалаларини тартибга солишда 37-модда ва йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларини белгилайдиган 92-модда билан тўлдирилди. Кодексга киритилган янги 37-модда талабига кўра, ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан берилган ҳаво кемаларига техникавий хизмат

кемаси командири ёки экипажи аъзосининг ҳаво кемаси командири номидан берилган парвоз ва ҳаво кемаси ичидаги одамлар хавфсизлигини, мол-мулк бут сакланишини, ташиш шартномасини ижро этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажариши шартлиги, йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти томонидан белгиланиши ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари Ҳаво кодексининг тўққизта моддаси (54, 100, 103, 104, 106, 108, 109, 112, 115-моддалари) матни янги таҳрирда баён этилмоқда. Жумладан, ушбу ўзгартишлар орқали кодекснинг: самовий ҳудудни таснифлаш; ҳаво кемасида

имзоланади. Фуқаро жисмоний ожизлиги, қасаллиги ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра, битим, ариза ёки бошқа ҳужжатларни ўз қўли билан имзолай олмайдиган бўлса, унинг топшириғига мувофиқ, ўзи ва нотариус ишторкида битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни Фуқаролик кодексининг 1124-моддаси талабларига асосан ўзга фуқаро имзолаши мумкин. Бундан нотаариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахс ҳужжати шахсан имзолай олмаслиги сабабларини кўрсатиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 116-моддаси талабларига кўра, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Нотариус томонидан мазкур қонун талаблари бузилганлиги сабабли А.Назарбоевнинг турар жойни жавобгар Ш.Тожибоевга ҳада қилганлиги ҳақидаги ҳада шартномаси суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар нотаариуслар томонидан ҳуқуқий жиҳатдан юксак савияда расмийлаштирилса, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида низолар келиб чиқмайди. Бу, ўз навбатида, ҳар бир шахснинг ҳуқуқий тўлиқ таъминланишига хизмат қилади.

Р.ХУДАЙБЕРГАНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг судьяси

Ниҳуқ ва таъжубият

Қонуний нотаариал ҳаракатлар

ҳуқуқлар тўлиқ таъминланишида муҳим ўрин тутуди

Давоми. Бошланиши биринчи бетда

Шу мақсадда улар низоли ҳуқуқ ва фактларни тасдиқлаш, шаходатлаш ва келажакда фуқаролик ҳуқуқларининг бузилиши эҳтимолининг олдини олиш учун бу ҳуқуқларни қонунда белгиланган тартиб ва шаклда ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширади.

Судга даъвогар О.Назарбоев даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Нукус шаҳар Олмазор кўчасидаги 18-уй бўйи А.Назарбоевга тегишли эканлигини, ўзи қўшни республикага кетган вақтда жавобгар Ш.Тожибоев бувисининг касал этгани ва келмайдиган фойдаланиб ўйни ўзининг номига ҳада шартномаси орқали ўтказиб олганлигини баён қилган. Бу вақтда 85 ёшли бувиси А.Назарбоев кўзи ожиз бўлиб, нотаариусга бориб, шартномага имзо чека олиш имкониятига эга эмаслиги, шу боис Нукус шаҳар давлат нотаариал идораси томонидан расмийлаштирилган ҳада шартномасидаги А.Назарбоевнинг имзосини экспертиза тайин-

лаш орқали текшириб, ҳада шартномасини ҳақиқий эмас, деб топшини сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2009 йил 11 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар О.Назарбоевнинг даъвоси рад қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 8 ноябрдаги ажрими билан иш бўйича қиларилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогар О.Назарбоевнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янгидан ҳал қилув қарори чиқарилган.

Чунки иш бўйича аниқланган ҳолатларга қараганда, А.Назарбоев, гарчи уйни Ш.Тожибоевга ҳада қилган бўлса-да, суд томонидан олинган суд хатшунослик экспертизасининг хулосасига кўра, ҳада шартномасидаги имзо марҳума А.Назарбоевга ёки бошқа шахс томонидан қўйилганлигини аниқлаш имкони бўлмаган, шартномага қўйилган чизиқларни имзо деб аташ ҳам мумкин эмас.

Жавобгар Ш.Тожибоев суддаги ту-



шунтиришида А.Назарбоев нотаариал идорага борганлигини, лекин кўзи ожизлиги сабабли шартномага имзо чека олмаганлиги боис нотаариус кампининг қўлидан ушлаб, имзо қўйдирганлигини таъкидлаган.

«Ўзбекистон Республикаси давлат нотаариал идораларининг нотаариуслари нотаариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги қўлланманинг 13-бандида кайд этилишича, нотаариал гувоҳлантириладиган барча ҳужжатлар нотаариус ишторкида

Қонунийлик

Одил судлов мезони

Ушбу жиноий қилмиш ҳақида батафсил тўхталидиган бўлса, 2007 йилнинг 16 октябрда «Ипотека» банкнинг Жиззах вилояти филиали ва вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси ўртасида «ИҲАН» маъсулияти чекланган жамият ҳорхонаси қонундан сўв ҳисоблаш жиҳозлари сотиб олиш учун 396.895.076 АҚШ долларини миқдорда кредит маблағи ажратиш юзасидан 186-сонли кредит шартномаси расмийлаштирилди. Буни қарангки, катта миқдордаги маблағ дарагини ошитган судланувчилар эгри йўлни қидирлаб қолмади. Фаллаорол тумани ҳокимининг 2007 йил 30 июндаги 684-сонли қарори

билан «Демир проект» хусусий қорхонаси фаолияти тугатилган бўлса-да, Ф.Уралов қорхона баённомаси асосида уни ўз номига расмийлаштириди. Сўнгга «ИҲАН» ҳорхоний қорхонаси билан вилоят «Сувоқова» бошқармаси қафиллигида вилоят аҳолиси хонадонларига сув ҳисоблаш жиҳозларини учинчи шахсларга топширмадан ўрнатиш бўйича субподряд шартномаси тузади.

Ҳорж қорхонасидан келтирилган 25930 донна сув ҳисоблаш жиҳозларидан 16969 донна ҳақиқатан ҳам, Жиззах шаҳар ва туманларидаги хонадонларга ўрнатилади. Қолган 8961 донна сув ҳисоблаш жиҳозларини эса, шаҳар ва туман «Суво-

қова» қорхоналарига юк хатлари орқали тарқатиб, уларнинг 4509 донна ўрнатиладиганлиги ҳақида сохта далолатнома тузилади. Ушбу сохта далолатномани «Ипотека» банки вилоят филиалига топшириб, банк муассасаси томонидан 28 миллион 444 минг 370 сўмлик — 15276 АҚШ долларини миқдордаги валюта маблағлари асосида равишда тўлаб юборилишига сабабчи бўлишди. Улар бу қилмишлари билан давлатга жуда катта миқдорда зарар етказишган.

Бундан ташқари Ф.Уралов ва С.Маматов хонадонларга сув ҳисоблаш жиҳозлари ўрнатиш баҳонасида жами 68 миллион 46 минг 25 сўм миқдордаги маблағни ўзлаштиришган. Текшириш чоғида бу қинғир ишлар ошқор бўлган, Ф.Уралов билан С.Маматовнинг пайтавасига курт тушади. Иш судга ўтаётган чоғда улар ўзлари ўзлаштирган маблағни қоплаш мақсадида 61 миллион 330 минг сўм тўлашга эди. Суд судланувчиларга жазо тайинлашда бу ҳолатни эъти-

борга олди.

Суд Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 205-моддаси 2-қисми «а» банди, 209-моддаси 2-қисми «а» бандлари билан айбдор деб топилган судланувчилар Ф.Уралов ва С.Маматовга ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жарима жазоси белгилади. Жиноят кодексининг 59-моддаси асосан уларга нисбатан тайинланган жазоларни қисман қўйиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун жарима жазоси белгилаб, ахлоқ тузатиш иши тайинлади. Икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, уларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз ўн баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, улар ойлик иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорда давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинди.

Айтиш керакки, жиноий жа-

золарнинг либераллаштирилган қонунчилигимизда ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойиллари янада кенг ўрин олишига асос бўлаётди. Шахс қилмишидан пушаймон бўлса, хатосидан тўғри хулоса чиқарса, ўзи етказган зарар ўрнини ихтиёрий равишда қоплаганига қонунларимизнинг доллатпарварлиги, инсонпарварлигидан баҳраманд бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда қонун устуворлиги таъминланаётгани, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари энг олий қадрият сифатида улуғланаётгани, адолатпарварлик тамойилларига ҳамма шахс қатъий риоя этилаётгани одил судлов мезони эканлигини ёрқин ифода-сидир.

Собиржон МАТИБЕРГАНОВ, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Куч — адолатда» муҳбири

Munosabat

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янада такомиллаштирилмоқда

Давоми. Бошланиши биринчи бетда

Шунингдек, янги қонун билан Жиноят процессуал кодексининг 265-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, суд-тиббий ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда айбланувчинини, судланувчинини стационар қўриқдан ўтказиш зарурати вужудга келса, улар тегишли тиббий муассасасига жойлаштирилиши мумкин. Шахсни тиббий муассасасига жойлаштириш учун прокурор, терговчи қарор чиқаради. Ушбу қарорда тиббий муассасасига жойлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар ва унинг процессуал ҳолати; шахснинг тиббий муассасасига жойлаштириш асослари; шахс жойлаштириладиган тиббий муассасанинг номи; эҳтиёт чораси тўғрисида тақлиф этилаётган қарор кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилиниб прокурорга юборилади.

кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса, ажрим чиқарар, суриштирувчи ва терговчининг бу тўғрдаги қарорига прокурор розилик беради.

Ушбу ваколатларнинг судга ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини бериб, фуқароларнинг муассасасига жойлаштириш учун прокурор, терговчи қарор чиқаради. Ушбу қарорда тиббий муассасасига жойлаштириладиган шахс ҳақидаги маълумотлар ва унинг процессуал ҳолати; шахснинг тиббий муассасасига жойлаштириш асослари; шахс жойлаштириладиган тиббий муассасанинг номи; эҳтиёт чораси тўғрисида тақлиф этилаётган қарор кўрсатилади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилиниб прокурорга юборилади.

Бундан ташқари ушбу янги қонун билан киритилган яна бир ўзгартишга кўра, Жиноят процессуал кодексининг 439-моддасига биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти фақат прокурор зиммасига юклатилиши суднинг мустақиллиги, ҳолислиги



Прокурор шахсни тиббий муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг асослигини текшириб, бунга рўзи бўлган тақдирда, шахсни тиббий муассасасига жойлаштириш тўғрисида илтимоснома кўзгатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборди.

Қабул қилинган янги қонунга кўра, Жиноят процессуал кодексининг 255-моддасига лавозимдан четлаштириш ва 265-моддасига шахсни тиббий муассасасига жойлаштириш тартибдаги процессуал мажбурув чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби белгиланди.

Ушбу қонун амалга киритилгунга қадар Жиноят процессуал кодексининг 255-моддаси мазмунига кўра, айбланувчи, судланувчинини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд лавозимидан четлаштиришга ҳақли бўлиб, кодекснинг 265-моддасига

ва беғаразлигини таъминлаш, жиноят процессида тортишув принципини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатиш ваколати чиқарилаётганлиги ҳам процессуал нуқтаи назардан жуда тўғри. Чунки жиноий таъкидланган амалга ошириш бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси. Суд эса, шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини ҳолис баҳолайдиган орган ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этишимиз лозимки, мамлакатимизда исчилик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенг-роқ ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Фахриддин КОМИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Muloqot Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, қандай ҳолларда фақат бир кишининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш мумкин? О. ЁРМАТОВ, Кармана тумани

— Куйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш мумкин: Агар эр-хотиндан бири: - суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса; - суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса; - содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъий назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра, улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилди. Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибиде ажратилди.

— Айтинг-чи, болаларни фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга таътил бериладими? Э. ЭРГАШЕВ, Бахмал тумани

— Меҳнат кодексининг 235-моддасига кўра, янги туғилган болаларни бевоқифа туғруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса, етмиш календарь кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланган ҳолда таътил берилади, улар, ҳожишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун қўшимча таътил олиши мумкин.

Саволларга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Hikmat

Донолар
дейдиларки

Хаёт — ҳаракат де-мақдир.

Тез гапиргандан кўра, ўйлаб гапириш афзал.

Китоблар бизни ўтмиш асрлар маънавий ҳаётининг ворисларига айлантиради.

Ҳалоллик, тўғрилиқ — катта бахт.

Халқ донишмандлиги одатда ҳикматли сўзларда ифодаланади.

Лоқайдлик ва дангасалик ҳан билан танининг ҳақиқий музлашидир.

Курашда матонатли кишилар ютиб чиқади.

Ҳаётнинг мангу муаллими — тажриба.

Ҳар қандай доноликнинг замини — сабрқаноат.

Maslahat

Фуқаровий
жавобгар

униинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан иборат?

Жиноят процессуал кодексининг 59-моддасига кўра, фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:


фуқаровий жавобгар: айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билиш; даъвога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ақримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий жавобгар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг ҳақиқатини аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўққинлик қилмаслиги; ишнинг тергов ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Лазиз ҚОДИРКУЛОВ,
Олий суд катта консултанти

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Оила мустаҳкам — авлод саломат



...Уч-тўрт кундирки, Сожида опанинг (исм-шарифлар шартли) кўнгли ваҳ, ҳаловати йўқолган. Албатта, бу бежизга эмас. Гап шундаки, анча пайтдан буён юраги орзиқиб, дунёга келишини кутиб юрган набираси Давронбекнинг ногирон ҳолда туғилиши уни эсанкиратиб қўйганди.

Аслида ҳаммасига синглиси Руқияхоннинг қайсарлиги сабаб бўлди. Ушанда отаси икки қизининг қуданда бўлишига сира розилик бермаганди. Аммо синглиси оёқ тираб туриб олди.

— Кўйингдан тўкилса, кўнжинга, деган гап бор. Опанининг қизини келин қилсам, бунинг нимаси ёмон? Наргиза эсли-хушли, оғир-босиқ қиз.

Шундан сўнг Сожида ҳам синглисининг раъийни қайтаролмади. Орадан кўп ўтмай дабдала тўй бўлиб ўтди. Аммо бу қувончу шодлик узокқа чўзилмади. Аввалга биринчи набираси туғилиб қолди. Энди эса, иккинчиси ногирон туғилди. Шифокорлар Дав-

ронбекнинг ногирон туғилишига асосий сабаблардан бири — ирсиятнинг яқинлиги эканлигини таъкидлашди...

Афсуски, ҳаётда баъзан мана шундай ҳодисалар ҳам учраб туради. Ваҳоланки, Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монъелик қиладиган ҳолатлар қайд этилган бўлиб, улардан бири насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасидаги никоҳдир.

Демак, оила қуришда ҳар бир жихатни эътиборга

олиш, бошқача айтганда, етти ўлчаб бир кесиш керак. Чунки оила мустаҳкам, тинч-тотув бўлса, шунга монанд равишда жамият ҳам тараққий этади. Оиланинг мустаҳкамлиги эса, ўз навбатида, никоҳнинг қонунийлиги, ота-онанинг масъулияти, қолаверса, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Айтиш керакки, мамлакатимизда ҳар бир оиланинг тинч-тотув ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Президентимизнинг «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури қўриқлари тўғрисида»ги, «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Кези келганда шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ФХДЭ бўлимимиз ходимлари ҳам оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашдек эзгу мақсадни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқ-

да. Жумладан, туманимизда жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида шаръий никоҳ асосида турмуш қуриб яшайдиган равишда жамият қонуний никоҳи расмийлаштирилди. 1227 нафар никоҳланувчилар тиббий кўриқдан ўтказилди, оилаларга кексиз қувончу шодлик ҳада этиб, 2471 нафар соғлом фарзанд дунёга келди. Энг муҳими, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан оилавий ажрашишлар сони 6 тага камайди.

Шунингдек, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз. Бўлимимиз томонидан тумандаги бир қатор коллеж ва мактабларда узок йиллар давомида бахтли турмуш кечириб келадиган оилалар билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш йўлга қўйилган. Бой ҳаётий тажрибага эга отахону онахонларнинг ибратли ҳикоялари ёшларнинг оила ҳақидаги тасаввурини янада тўлиқроқ шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Тумандаги «Янги дўкон» маҳалласида ўтказилган «Намунали оила бекаси» танлови ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Оила муқаддас маскан. Энг муҳими, унда эртанги кунимиз эгалари — фарзандларимиз дунёга келиб, вояга етади. Демак, оиланинг мустаҳкамлиги, тинч-тотув ва фаровонлигини таъминлаш ҳар биримизнинг зиммасидаги муқаддас бурчдир.

Барнохон МҲМИНОВА,
Қўштепа тумани ФХДЭ бўлими мудири

Jinoyat va jazo

Масъулият ҳисси
унутилмаган жойда ишда унум бўлади

Бу ҳаётда ҳар бир касб эгаси зиммасига юклатилган вазифани сиз қилишдан бажариши, ҳалол ва фидойилик билан фаолият юритиши жамоа муваффақиятини таъминлаб қолмай унга обрў-эътибор ҳам олиб келади. Аиниқса, жамоада масъул мансабдор шахснинг ўз ишига нисбатан масъулият ва эътибор билан ёндашиши алоҳида аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 15-моддасида қайд этилишича, мансабдор шахс мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган, раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган шахс ҳисобланади.

Мансабдор шахс маъмурий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳисобланиб, бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, таъминий муҳитни, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва ўз хизмат вазифаларига қарадиган бошқа қондаларга риоя этилмаганлиги билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шунингдек, мансабга совуққонлик билан қараш, яъни мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик билан муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказишига сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 207-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

Шу ўринда бевоқиф мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Бекобод шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Дилором Жалиловани (исм-фамилиялар шартли) ҳам зиммасига юклатилган вазифалар-



га совуққонлик билан қарайдиган қимсалар тоифасига кириши мумкин. Гап шундаки, Дилором Жалилова Бекобод шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ишини ташкиллаштириш, пенсия ва ижтимоий нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш, давлат статистика ва бухгалтерия ҳисоботлари, пенсия ва ижтимоий нафақа тўловлари учун зарур бўлган маълумотларга талабнома, пенсия тўловлари ва бошқа масалалар юзасидан тезкор маълумотларни тўғрилиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши учун масъул ҳисобланган. Аммо у ўз вазифасига совуққонлик билан қараш оқибатида бир гуруҳ шахслар томонидан давлат манфаатларига жиддий зарар етказилган. Хусусан, пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинлашда ва қайта ҳисоблаш давомида бўлим мутахассислари томонидан фуқароларнинг меҳнат стаж ва иш ҳақи нотиғри ҳисобланиб, жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Масалан, бўлимнинг пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинлаш гуруҳи раҳбари

Дилрабо Қодированинг айби билан фуқаро С.Наимовага 2008 йил 1 майдан тайинланган пенсия миқдори 219 016 сўм ўрнига 126 856 сўм тўланиб, 2009 йил 1 февралгача унга 1 076 103 сўм миқдорда кам нафақа тўланган. Айнан шундай хатолар оқибатида фуқаролар Ш.Ҳалимовага 163 416 сўм, С.Кимга 236 284 сўм зарар етказилган.

Айтиш керакки, бўлим мутахассислари нафақат тўланадиган тўлов миқдорини, қолаверса, фуқароларнинг иш стажларини кўрсатишда ҳам жиддий хатоларга йўл қўйишган. Масалан, бўлимга мурожаат қилган А.Қаюмовнинг 21 йиллик иш стажига ўрнига 39 йил, У.Комиловага 27 йил ўрнига 42 йил, М.Ҳайитовга 21 йил 9 ой ўрнига 33 йил тўққиз ой дея ёзилиб, жами 32 ҳолатда 15 550 173 сўм миқдорда давлат манфаатларига зарар етказилган.

Халқимиз кўза кунда эмас, кунда синди, деб бежиз айтмаган. Масъул мансабдор шахс Дилором Жалилова ва бўлим мутахассисларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳам охир-оқибат ошкор бўлиб қолди. Табиийки, юқорида қайд этилган қилмишларга қўл урган қимсаларга қонун дўрасида жазо тайинланди. Жумладан, Д.Жалилова Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб тоънатиш, унга икки йил муддатга ахлоқ тўзатиш ишлари жазоси тайинланди. Жавобгарнинг ҳар ойлук иш ҳақидан 20 фоиз миқдорда ушлариб, давлат фойдадаги ўтказилмаган бўлди.

Шунингдек, суд судланувчига мазкур кодекснинг 45-моддасини қўллаб, 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда мансабдор шахс ёки масъул мансабдор шахс лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси тайинлади.

Хулоса ўрнида шунинг айтиш керакки, раҳбарлик аввало, юксак масъулият ва ишонч деган маънони англатади. Ана шу масъулиятни унутиш, нафс қутқусига берилиш охир-оқибат жиний жавобгарликни келтириб чиқаради.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.
Исматулла МАМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилояти судининг судьяси,
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Куч — адолатда» муҳбири

Sirli olam

Биз билган ва
билмаган дунё

ЖИЗЗАКИ «ЁКИМТОЙ»



1818-1826 йилларда Жанубий Америкага саёҳат қилиб, бу ўлканинг табиати билан яқиндан танишган тадқиқотчи-табиатшунос Жон Рудольф Ренгерг илк марта улкан чумолихўр билан юзма-юз келгач, унга нисбатан анчайин ачиниш ҳиссини туйган ҳолда юқорида келтирилган таърифи берган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, бу жониворнинг танаси жуда беҳуш бўлибгина қолмай, бит кўзлари, олдинга чўзилиб турган конуссимон тумшугиё тумшугининг энг учиде оғиз аталмиш аъзо ва узун тилини тасаввур этишининг ўзига кишини сескантириб юборади. Аммо нима бўлганда ҳам, чумолихўр табиатнинг бир жонзоти, бунинг устига энг фойдалиларидан биридир.

Чумолихўрнинг айнан тили қорин тўйдиришдаги асосий қуроли ҳисобланади. Уни яқка юрган ҳашаротларни тутиш қониқтирмайди. Ахир, бу махлуқ бир кунда тўйиб озиқланиши учун камида 30 минг хашарот зарур бўлади.

Қисқаси, тилига барча «тушлиги» батамом ёпишиб, бўш жой қолмагач, чумолихўр ўз «қуролини» аста-секин ичига тортиб олади. Шу тарика чумолихўрнинг бутун бошли қавми унинг ошқозонига тушади.

Чумолихўр нафақат ўзининг гайритабиий тили, балки табиат инъом этган катта, елпигичсимон паҳмоқ думи билан ҳам гаройибдир. Айнан ана шу дум чумолихўр учун ҳам уя, ҳам бошпана вазифасини ўтайди. Чунки асосий вақтини ўлжа илинжида дала кезиб ўтказувчи чумолихўрнинг инда яшайдиган ҳеч қандай маъни йўқ.

Агар уни кимдир таъқиб этиб, иложсиз вазиятга солиб қўйса, бир қарашда ўта беҳушов, бесунақай ва беозор кўринган бу жонивор кутилмаганда орқа оёқларида тик туриб олади-да, шиддат билан рақибига ташланади... Дарахтга боғлаб ташланган чумолихўр эса, сира қийналмай тугунларни ечиб, эркинликка чиқиб кета олади.

Таъқибдан қутулиб олдимми, бас, чумолихўр ўша хавфли жойдан узокроққа қочиб кетишга ҳаракат қилади, холос. Унинг қай даража югуришини тасаввур этмоқчи бўлсангиз, хатто қолпон каби энг чапдаст ва чаққон йиртқичнинг ҳам

бемалолхўжа, оғир ва ювош, аммо жаҳли чиққанда ўта жиний бўлиб кетувчи бу жониворга нега хужум қилишга ботина олмаслигини ҳам билса бўлади.

Немис табиатшуносларидан бири Август Каплер эса, чумолихўрнинг одамга қандай хужум қилганининг гувоҳи бўлганлардан биридир. Унинг ёзишича, чумолихўр инсонни оддий муштлашувда енга олган экан.

Ўн тўққизинчи асрнинг ўрталарида бўлиб ўтган бу воқеа ҳам жуда қизиқ. Голландиядаги плантациялардан бирида ишлар қандай бораётганини кузатиб юрган иш бошқарувчи кутилмаганда чумоли уясининг устида тили ўлжага тўлишини кутиб устига улкан чумолихўрға кўзи тушиб қолади. Чумолихўрнинг бошқа жониворларга ўхшаб одамнинг қадам товушини эшитиб, қочиб қолди ўрнига пинагини ҳам бузмагани иш бошқарувчининг газабини келтиради ва у ёнидан пичоғини чиқариб, жониворга ташланади. Албатта аввалига чумолихўр кутилмаган таҳдиддан қочиб ҳаракат қилади. Аммо иш бошқарувчи бунга имкон бермайди ва бир ҳатлашда унга етиб олади-да, елкасига пичоқ уради.

Ана шундангина чумолихўр ўз характерини намоён этишга мажбур бўлади. У ортига қайрилиб бор бўйича тик туради-да (унинг бўйи бир ярим метрдан балеанд), рақибига ташланади ва рақибнинг даст кўтариб ерга ағдариб ташлайди.

Иш бошқарувчининг дахшатли чинқирини эшитиб, етиб келган одамлар у тимдаланган юзини чангаллаганча улкан чумолихўр билан олишиб ётганини ва бу курашда чумолихўр ғолиб келаётгани кўришади. Биргалиш иш бошқарувчининг махлуқнинг чангалдан базўр кутқариб олишади. Иш бошқарувчи тимдаланган юзи ва елкаларини узок вақт даволатишига тўғри келади. Шундан сўнг у сира чумолихўрға озор бермасликка онт инади.

Албатта, бу каби мисолларни эшитиб, чумолихўрнинг зарарли мавжудот деб ҳисоблаш нотўғри. Чунки истаимизми, йўқми, табиатда ҳар бир жониворнинг ўз ўрни, ўз ризиқи, ўз вазифаси ва фойдаси бор.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚҲЗИЕВА тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАҲАБОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЎДГОРОВ
Арислон ЕСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир

Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилми: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.

E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1016. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6293.
1 2 3 4
Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰